

Олтинкўл туманида 2023 йилда амалга оширилгани ишлар ва 2024 йил учун мақсадлар

Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, **ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш** бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган.

I. Ҳурматли Президент мамлакатимизда охириги йилларда олиб борилган ислохотлар натижасида бизнинг туманимизда ҳам катта-катта **ижобий ўзгаришлар** амалга оширилмоқда.

Бу ўзгаришларни туманимиз аҳли ўзининг **кунлик ҳаётида** кўриб, **ҳис қилиб** турибди.

2017 йилда саноат корхоналари **209** тани ташкил этган бўлса, уларнинг сони **460** тага етди ёки **охириги беш йилда 2,2 баробар**га ошди. Бунинг ҳисобига **2022 йил 9 ойида 498,4** млрд сўмлик саноат маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб, жорий **йилда 908,8** млрд сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан **105,5** фоизга тенг бўлди. Йил якуни билан бу кўрсаткични **1,3** трлн сўмга етказиш кўзда тутилган.

Туманда **2022 йилда 26,3** млн. доллар экспорт амалга оширилган. **2023 йил** якуни билан бу кўрсаткич **52** млн долларга етказилади.

Инвестиция дастур асосида **4,4 млн доллар**га тенг **19 та** лойиҳалар ишга туширилиб, **386 та** янги иш ўрни яратилди.

Жорий йил давомида **59,4 км** ичимлик суви тармоғи тортилиб, **6 та** ичимлик сув қудуғини қуриб фойдаланишга топшириш ҳамда **10 та** ичимлик сув қудуқларини таъмирлаш натижасида қамров **72,5** фоиздан **88,9** фоизга оширилди.

Шунингдек, **33,7 км** умумфойдаланув йўллари, **58,8 км** ички йўллар таъмирланди шундан, **20,2 км** шағаллаштирилди ва **38,6 км** асфальтлаштирилди.

Сизнинг ижтимоий соҳадаги ислохотларингиз туфайли болаларни мактабгача таълим билан қамров даражаси **2017 йилдаги 18,6** фоиздан қарийб **89,1** фоизга (**254 та МТТ**) етди.

II. Туманда **59 та** маҳаллада **36,4** мингта хонадон, **54** минг та оилалар, **191,4** минг нафар аҳоли мавжуд бўлиб, уларнинг **79,9** минг нафари **меҳнат қилишга тайёр** иқтисодий фаол ҳисобланади.

Йил бошида ишсизлар **7,4** минг нафарни, ишсизлик даражаси эса **9,4** фоизни ташкил этган эди. Ўзингиз яратиб берган **имконият ва дастаклардан** фойдаланиб, ўтган **9 ой** якуни билан **24,4** минг нафар аҳоли доимий даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланиб, ишсизлик даражаси **9,4** фоиздан **8,9** фоизга (**ишсизлар 6,9** минг нафар) туширилди.

Маълумот учун:

а) ишлаш истагини билдирган **384** нафар ишсизлар инвестиция дастури доирасида ташкил этилган корхона ва ташкилотларга **доимий иш жойларига** жойлаштирилди. Уларга ҳар ойда ўртача **2 млн.** сўмдан **5 млн. сўмгача** иш ҳақи тўланмоқда;

б) хизмат кўрсатиш ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига **8489** нафар;

в) қурилиш ва коммунал соҳасида **583** нафар;

г) ҳоким ёрдамчилари тавсияси билан **тадбиркорлик ташаббуси** бор **2,3** мингдан **ошиқ** фуқароларга қарийб **42,5** млрд. сўм **кредитлар** ажратилди;

д) қишлоқ хўжалиги йўналишида **18017** нафар;

е) **деҳқончилик** қилиш учун **6174** нафар фуқарога **810** гектар экин ер **майдонлари 30 йилга** ижара асосида ажратиб берилди;

ф) **тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчилик фаолиятига жалб** этиш мақсадида **412** нафар камбағал оилаларнинг аъзоларига **3,1** млрд. сўм субсидия ажратилиб, **меҳнат қуроллари ва асбоб-ускуналар** олиб берилди;

Айниқса, бу ишларни ташкил этишда **59** та маҳалладаги **“бешлик”** ҳиссаси катта бўлмоқда.

Улар **уйма-уй юриб**, аҳолининг ишга жойлашиш, тадбиркорликни бошлаш, деҳқончилик қилиш, касб-ҳунарга ўқиш каби **хоҳиш истақларини аниқлаб**, шу асосида иш ташкил этишмоқда.

Бугунги кунда, иш билан таъминланмасдан қолаётган **6,9** минг нафар ишсизлар бандлигини таъминлаш мақсадида туман салоҳиятидан келиб чиқиб, **аниқ режаларни белгилаб олдик.**

Ҳурматли Президент, натижада **9** та (*Иттифоқ, Сувюлдуз, Садда Кўмакай, Ижтимоят, Марказ, Сарой 1, Сарой 2 ва Ўрта*) маҳаллаларни ишсизликдан ҳоли ҳудудга айлантирамыз.

Эндиликда, бу тизимга қўшимча **“Солиқ”** ва **“Инсон”** ижтимоий хизматлар марказининг маҳаллага туширилиши аҳолига хизмат кўрсатишнинг жорий этилаётганлиги, ҳамда маҳалла **“еттилиги”** тизимли давом эттирамыз.

III. Туманнинг географик жойлашуви, ресурс ва имкониятлари ҳамда мавжуд инфратузилмани инobatга олган ҳолда **ишни биринчи галда, 59** та маҳаллани ихтисослиги бўйича **3** та (*саноат, савдо ва хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалиги*) **йўналишларга ажратиб** олдик.

Саноатда, туманимизда 2023 йил давомида **1,4** трлн сўм саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариб, ўсиш суръати **112** фоизни ташкил қилган бўлсада, вилоятдаги улушимиз атиги **2,5** фоизни ташкил этмоқда.

Туманда мебелсозлик асосий драйвер соҳалардан бири ҳисобланиб Ижтимоят МФЙ да мавжуд **547 та** хонадонлардан **497 таси** мебелчилик билан шуғулланиб келмоқда. Йиллик ишлаб чиқариш хажми **45 миллиард сўм**. Ушбу МФЙга мебел ишлаб чиқариш учун **1,5 гектар** ер майдони ажратиб берилган ва ҳунармандлар маркази ташкил этилди. Ҳунармандлар марказида **46 та** тадбиркорлик субъекти ташкил этилган, Ушбу марказга туташ ҳудудда жойлашган касб ҳунар мактабининг фойдаланилмаётган ҳудудидан **2 гектар** ер аукцион савдоларига чиқариш орқали **50 та** тадбиркорлик субъекти, **200 та** иш ўрни ва бюджетга қўшимча **1 млрд. сўм** тушириш имконияти мавжуд.

Хизмат кўрсатишда, туманимизда ўтган **9ой** давомида **658,3 млрд** сўмга тенг хизматлар кўрсатилиб, ўсиш суръати **109,9фоизни** ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қирғизистон Республикасига ташрифи доирасида имзоланган меморандумга асосан, **"Аср форм электроникс" МЧЖ** томонидан **Қирғизистонлик инвесторлар** билан ҳамкорликда қиймати **6,0 млн. доллар** бўлган **"Логистика маркази"**ни ташкил этиш натижасида **50 та** янги иш ўринлари яратилади, қўшимча **1 млн. доллар** хизматлар экспорти амалга оширилиб бюджетга қўшимча **1 млрд. сўм** тушумлар туширилиши таъминланади.

Лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган **5 гектар** ер майдонини тоифасини ўзгартиришда амалий ёрдам зарур.

Тумандан ўтувчи **A-373** халқаро йўл бўйида қишлоқ хўжалиги тоифасидаги балл бонитети паст бўлган **2 гектар** ер майдонини аукцион савдолари орқали Хизмат ва сервис шаҳобчаларини ташкил этиш орқали **40та** янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиши натижасида **500та** иш ўрни яратилиб бюджетга қўшимча **2млрд.сўм** тушумлар тушириш имконияти мавжуд.

Магистрал йўл бўйидан хизмат кўрсатиш соҳаси учун **2 гектар** ер майдони ажратилишида амалий ёрдам зарур.

Қишлоқ хўжалигида, Туманнинг мавжуд қишлоқ хўжалиги ер майдони **13,7 минг** гектарни ташкил қилиб, экин ерлари **11,2 минг** гектар. Шундан, **4,3 минг** гектарида **181 минг** тонна мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилиб, **16,7 млн** долларлик **60 минг** тоннаси четга экспорт қилинади.

Хусусан, **"Кўмакай"**, **"Чўнтак"** ва **"Хўжа"** маҳаллаларида истиқомат қилувчи **1 904 та** хонадон **780 гектар** томорқа ер майдонида **экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари** (*Помидор, Бодринг, Булғор қалампир, Саримсоқ пиёз*) етиштирилиб, ушбу маҳсулотлардан йилига 3 маротаба ҳосил олинмоқда.

Туман захирасига олинаётган **100гектар** сабзавотчилик фермер хўжаликлари ер майдонларини **1** гектардан иссиқхона қуриш учун аукцион

савдоларига чиқариш орқали **1000**та иш ўрни яратиш ва **5 млн. доллар** қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини амалга ошириш имконияти яратилади.

III. Юқоридагиларни амалга ошириш ҳисобига, 6 922 нафаришсизлар бандлиги таъминланиб, **3 683 та** хонадондаромади оширилади.

- саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2023 йилга нисбатан **1,2 баробар**га оширилиб, **1,4 трлн сўм**га, аҳоли жон бошига эса **7,3 млн сўм**га (**+2 000 минг сўм**) етказилади;

- экспорт ҳажми 2023 йилга нисбатан **1,3 баробар**га оширилиб, **70 млн.доллар**га, аҳоли жон бошига эса **367 доллар**га (**+95 доллар**) етказилади;

- хизмат кўрсатиш ҳажми 2023 йилга нисбатан **112,1 фоиз**га оширилиб, **1,1 трлн сўм**га, аҳоли жон бошига эса **5,5млн сўм**га (**+1008 минг сўм**) етказилади;

Шунингдек, Республикадан бириктирилган вакиллар билан биргалиқда, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича **23 та банддан** иборат қўшимча **чора-тадбирлар Дастурини** ишлаб чиқдик.